

ШАРТНОМА № 50466

Урганч шаҳри

2022 йил “23” Март

Низом асосида фаолият юритувчи Урганч давлат университети Академик лицейи (кейинги ўринларда буюртмачи деб аталади) директор А.Кутлимуратов номидан низом (ишончнома) асосида бир томондан FAST FOZILJON MCHJ фаолият юритувчи (кейинги ўринларда аутсорсер деб аталади) раҳбар И.Бекчанов, иккинчи томондан, кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер буюртмачининг Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар хар куни буюртмачини муассаса талабаларига иссиқ овқат тайёрлаб бериш хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб фактура имзоланиб буюртмачи Аутсорсернинг мазкур шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархи ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. 2020 йил 10 январдаги №16-сонли Ўзбекистон Республикаси ВМнинг “ССВ тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 2-боб 7-бўлимида кўрсатилганидек сарфланган махсулотлар нархи суммасига устига **20** фоизгача устама хақи олиш;

2.1.8. Фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати тулик аутсорсер хисобидан копланади ҳамда ижара шартномаси асосида вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш хоналари, асбоб ускуналари, идиш товоқлар ва мебеллардан фойдаланганлик учун тулови 0,0 нол ставка бўйича белгиланади. 2020 йил 10 январдаги №16-сонли ВМнинг “ССВ тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 4-боб, 13-бўлимида кўрсатилган.

2.1.9. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш, саклаш, носоз холга келганда уларни ўз хисобидан таъмирлаш.

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши; Ошхона ҳудудига бегона шахсларга киришига йул қуймаслик;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олди ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат буюртмачининг гигиена санитария қоидалари, ҳамда нормалари ва тугагунига қадар эса тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлик ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек,

белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига буюртмачининг худудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, лозим даражада фойдасидан келиб чиқиб биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирган ҳолда, буюртмачидан биноларни мебелларни, (хоналарни), инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига: жумладан озиқ-овқат омбори ва бошқа кириш чиким ҳужжатларига аралашмаган ҳолда фақатгина тайёр бўлган овқатлардангина синамалар олиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида бир ой олдин аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларни қийматини белгиланган тартибда тўлаши лозим;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойдаги жами сумма хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар;

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи қуйидагича ҳисобланади 193 710 928 (бир юз туксон уч миллион етти юз ун минг туккиз юз йиғирма саккиз) сўм ККС билан ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб- китоблар бажарилган йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади. Буюртмачи амалдаги қонунчиликда кўрсатилган муддатларда курсатилган микдордан кам бўлмаган, яъни 30 % фоиз аванс тўловини олдиндан ижрочи ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Қолган 70 % микдордаги тўловни бажарилган ишлар қабул қилиб олгач шу ойнинг узида ҳисоб фактурага асосан ўтказиб беради.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида бир ойлик буюртмада курсатилган, белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган микдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси келишилган ҳолда қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий

базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига бир йилда бир маротаба ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин баргараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисминн ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома “Буюртмачи” ва “Хизмат кўрсатувчи” томонидан тасдиқланиб, худудий ғазначилик бўлинмаларида руйхатга олингандан сўнг кучга киради ва шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил “ 31 ” декабрга қадар амал қилади

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

“Аутсорсер”	“Буюртмачи”
Fast Foziljon MCHJ	Урганч давлат университети Академик лицейи
Манзил: Урганч ш Ю.Бабажанов №4	Манзил: Урганч шаҳар Шовот куча 27 уй
Х/Р: 20208000605049224001	ШХ/Р: 100010860334017092500079001
Банк: Миллий банк Урганч бўлими	ШХ/Р:
МФО: 00547 ИНН: 306304074	Банк: Марказий банк ХККМ
Раҳбар:  И.Бекчанов	МФО: 00014 ИНН: 205260966
	Раҳбар:  А.Куглимуратов



50466 сонли шартномага
 «23» март 2022 йил кунги
 50466-сонли шартномага
 1-илова

Шартноманинг прогноз суммаси

T/p	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Ўлчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирлик-лари сони	Жами суммас ҚҚС сиз (сўм)	ҚҚС _____%	Жами сумма ҚҚС билан
1	Январь	31	хизмат кўрсатиш					
2	Февраль	28	хизмат кўрсатиш					
3	Март	31	хизмат кўрсатиш					
4	Апрель	30	хизмат кўрсатиш	22556	8588			193710928
5	Май	31	хизмат кўрсатиш					
6	Июнь	30	хизмат кўрсатиш					
7	Июль	31	хизмат кўрсатиш					
8	Август	31	хизмат кўрсатиш					
9	Сентябрь	30	хизмат кўрсатиш					
10	Октябрь	31	хизмат кўрсатиш					
11	Ноябрь	30	хизмат кўрсатиш					
12	Декабрь	31	хизмат кўрсатиш					
Шартноманинг жами суммаси		365		22556	8588			193710928

Бекмуратов
 рахбар



УрДУ Академик лицейи
 Директори *А.Кутлимуратов*

